

Қарақалпақстан Республикаси миграция ҳаракати 1991-2021-йиллари аралғида иммигрантлардин улўма сани 456 миннан аслам, ал эмигрантлардин сани 712 миннан аслам, миграция сальдоси -256 миннан асламди қурайди. Бул кўрсеткишлер жоғарига сая турде 1991-2001-йиллари бул 194 230, ҳам -35 мин адам, 2001-2011-йиллари ҳам 136, 283, ҳам -147 мин адам сондай-ақ. 2011-2021-йиллари болса 125, 198 ҳам -73 мин адамди қурайди. (1-сўврет).

Республикамиз халқ сани миграция есабинан кўбеймеген, ўйениў дāwirинде кўрсеткишлер минусқа тең болған, бунин тийкарги себеплери суwsзлїқ, экологиялїқ процеслер, миллий қурам болїп яғни тийкарги кўшиў жўнелислери Қазакстан Республикаси аймағина туwри кеledi. Республикамиз аймағина қазак миллети wакїллеринин миграция ҳаракетине қатнаси жоғари болмақта, аймақларда санаат кárxаналаринин азлїғи, халїқтин жұмс пенен бáнтлїғи тўменлїғи, миьнет ресурсларинин кўплїғи бул миграция ҳаракетине алїп келди.

Ен жоғари кўшиwшлїк 2001-2011-йиллари аралғида бақланди, бул 2000-йиллари суwsзлїқтин басланїwи Арқа районлардан аймақларинда эмигрантлардин сани артїп кетти. Республикамиз жайласїw орнїна қарай jer ресурсїна бай болїп, жергилїк халқ тийкарїнан, диьханшлїқ, шарwашлїқ пенен турмс кешїрген. Аьйемнен-ақ халқимиз миграция процесин бастан ўткерген.

Халқ санинин ўсиwине тáсїр етиwшлї фактор-бул миграция болїп тийкарїнан географиялїқ жақтан анализ қїлїнди, илїмїй изертлєw барїсында мїгрантлардин жасї 20-40 жас аралғида болїп, яғни демографиялїқ актив халқ болїп туwїлїwшїққа ўз тáсїрїн кўрсетеди.

Қарақалпақстан аймағина Áмїwdáря суwинин кемейїwи Арал теңизинин қуриwи экологиялїқ машқалани келтирїп шїғарди. Сол себеплї Республикамиз аймағина миграция ҳаракетинин кўбейїwине алїп келди.

Áдебиятлар

1. Embergenov N.J. Qaraqalpaqstan Respublikası xalqının ósiwiniń jaylasıwındaǵı ózgeshelikler. g.i.k. ilimiy dárejesin alıw ushın jazılǵan dissertaciya jumısı. – T.: 2011, 19-b.
2. Embergenov N.J., Tursinov M.J., Alieva B.A. Aral boyı aymaǵının demoeekologiyalıq mashqalaları. Ózbekistan geografıya jamiyeti. – Toshkent: 2014.
3. Mo'minov D. G'. Aholi geografıyası va demografıya asoslari. (O'quv qo'llanma). – Toshkent: 2001, 48-b.
4. Xodjaeva G.A., Embergenov N.J. Qaraqalpaqstan Respublikası demografıyası. – Nókis: 2021, 56-b.
5. Manba: <https://center-yf.ru/data/stat/migraciya.php>

REZYUME. Ushbu maqolada Qoraqalpog'iston Respublikasi shahar va tumanlari boyicha migratsiya jarayonlari tadqiq etilgan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье исследованы миграционные процессы в городах и районах республики Каракалпакстан.

SUMMARY. This article examines the migration zones of the cities and districts of the Republic of Karakalpakstan.

АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ ТУРМУШ ШАРОТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

В.И.Аширов – ўқитувчи

Навоий давлат педагогика институти


Таянч сўзлар: Ўзбекистон ССР, вилоят, референдум, ижтимоий ҳимоя, саноат, турмуш тарзи, маҳсулот, хомашё, фаровонлик.

Ключевые слова: Узбекская ССР, регион, референдум, социальная защита, промышленность, образ жизни, продукция, сырьевое, благополучие.

Key words: Uzbekistan SSR, region, referendum, social protection, industry, lifestyle, products, raw materials, welfare.

Бозор иқтисодиёти тараккий этган давлатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш унинг турмуш шароитини энгиллаштиришга қаратилган ислохотлар мамлакат иқтисодий таракқиётининг стратегик белгиларини кўрсатиб турувчи бош омиллардан бири саналади. Бугунги кунда жаҳон мамлакатларига эътибор қаратадиган бўлсак аҳолини ижтимоий ҳимоя тизими масалалари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий таракқиётининг даражасига қаратилган ҳолда халқнинг ижтимоий ҳимоясини самарадорлигига мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда. “Жаҳон миқёсида энг кам даражадаги ижтимоий ҳимоянинг тан олинган 9 тури мавжуд. Булар тиббий хизмат ишсизлик бўйича нафақа, хомиладорлик ва туғиш нафақалари, боқувчисини

2-сўврет. Қарақалпақстан Республикаси миграцияси қала ҳам районлар кесиминде. (1991-2021-йй.)



QR statistika basqarmasi maǵlıwmatları tıykarında islendi.

***Buzatav rayoni 1991-2003-йиллари, 2019-2021-йиллари еsaplandı.**

****Taxiatah qalası 1991-2012-йиллари еsaplandı.**

*****Taxiatah rayoni 2017-2021-йиллари еsaplandı.**

Joqarıdaǵı keste maǵlıwmatlarınan analiz qılıp qaraǵanda 1991-2021-йиллари dawamında Respublikamızdın xalıq migraciya procesi rayonlar boyınsha bir tegis emes. Mısalı usı jıllar ishinde kelgen xalıqtın tıykarǵı bólimi Nókis qalası, Nókis rayoni, Beruniy, Tórtkúl, Xojeli, Shimbay rayonlarına tuwrı kelse, kóship ketkenler xalıqtın úlken bólimi ham joqarıdaǵı rayonlarǵa tuwrı keledi, bunnan tisqari Qońırat, Taxiakópir rayonlarında baqlanǵan, Buzatav, Taxiatah rayonlarında bolsa kelgen ham ketkenler sани teń bolǵan.

Juwmaqlap aytqanda házirgi xalıqaralıq migraciyaда tıykarǵı orındı miьnet migraciyası iyeleydi. Sebebi, házirgi dāwirde insanlardın jasawı ushın ekonomikalıq faktorlardın ahmiyeti kúsheydi. Migrantlardın aǵımı xalıqtın jas, jumı quramına óz táсїрін kўrsетedi, Nátiьjede bir qatar mashqalalardı keltirip shıǵaradı ham miьnet ресурсларинин кемейip ketiwine alıp keledi.

табиийдир. Буни исботи сифатида мустақиллик йилларида Ўзбекистон ССРнинг асосий бош саноат шаҳарларидан бири Навоий вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Агар ўша йилларга эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистонда 100 дан ортиқ саноат тармоқлари ишлаб турган бўлса, шундан айримлари мустақиллик йилларида фаолият олиб бориб турганлиги етакчи саноат тармоқларига хом ашё етишмаслиги ёки бўлмаса ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотилмасдан тўхтаб қолганлигига дуч келамиз. Капиталистик жамият куриш ишчилар жамоасини шакллантириб, ўрта қатламни кенгайтириш учун ҳаракат қилган совет давлатида ҳам бу масалалар фақатгина мафкуравий плюралистик йўналишда жамиятга татбиқ этилиб, амалда қабул қилинган қарор ва фармонларни марказ Ўзбекистон ССР манфатидан йироқда юритиб иттифокдош Республикаларнинг бир нечтасига нисбатан ижтимоий ҳимоя иккинчи даража сифатида қаралди. Шунингдек, олиб сотиш, чайқовчилик савдо сотикнинг баъзи даврлардаги душмани сифатида қаралди ва бундай сиёсат мамлакатда турғунлик ҳолатини юзага келтирди. Ўзбекистон ССРнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш учун барпо этилган Зарафшон воҳасидаги саноат шаҳарлари истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини комплекс ҳимояланмаган ҳолатларида ҳам кўринади. XX асрнинг 80-йилларида ижтимоий иқтисодий ҳаётдаги муммолар XX асрнинг 90-йилларига келиб каттагина турмуш шароитидаги муаммоларни юзага келтирди. Жумладан *“Республикадаги социал аҳвол, одамларнинг социал таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мутлақо қониқарсиз. Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи – ичимлик сув билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланганини нормал аҳвол, деб ҳисоблаш мумкин эмас”* [2]. Муаммоларни олдини олиш учун Республика Олий Кенгаши котибиятига йўлланган хат ва Мурожаатномаларида ҳам Зарафшон шаҳрининг барча тоифадаги аҳолисини турмуш шароитидаги норозичиликлари мақсад иш ҳаққини ошириш [3] ижтимоий турмушни яхшилаш масалалари комиссиянинг ёзма ҳисоботларида ҳам акс этган. Шунингдек, Комиссиянинг ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики бозорларда нарх-навони қимматлашувига маҳсулотларни етишмовчилиги белгиланган меъёрлар бўйича сотилмаслиги нафақат Навоий, Зарафшон, Учқудук шаҳарларда балки қишлоқ жойларида ҳам норозиликлар кенгайиб бораётганлиги иқтисодий ҳолатларни бузилган ҳолатларида ҳам акс этади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан муаммоларни бартараф этиш масалалари стандартлаштирилган озиқ овқат маҳсулотлари билан аҳолини таъминлаш ва назорат ўрнатиш учун истеъмолчилар уюшмасига вазифа сифатида [4] юклатилганлиги архив манбаларида қайд этилган. Дарҳақиқат, XX асрнинг иккинчи ярмида Зарафшон воҳасида улкан саноат шаҳарларига асос солиниши марказ учун арзон хом ашё, стратегик тайёр минерал ресурсларни юзага келтириб қўйган эди. Бу даврда саноат шаҳарларида меҳнат ресурслари аҳоли ишчи кучини шаҳарларга кўчиш миграцияси ҳам ортиб борди. Аҳоли кўчиши нафақат ички томондан балки ташқи миграцияни ҳам ривожлантириб борди. “1970 йилларнинг биринчи ярмида шаҳар саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки барабар, меҳнат унумдорлиги 45 фоиз, маҳсулотни реализация қилиш 2 барабар ошди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми 85 фоизга ўсишини таъминлашга эришилди” [5] XX асрнинг 90-йиллари Навоий КМК томонидан бир қанча соҳаларни ривожлантирилиши натижасида

ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши аҳолининг ижтимоий ҳаётида қисман бўлсада ўзгаришлар ясади. Бунга сабаб маҳаллий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт учун рухсат берилиши саноат соҳасида ўзгаришлар ясаб берди. Ижтимоий турмуш шароитидаги фаровон янгилашлар миллий турмуш шароитида янгилашларни юзага келтирди. Лекин бундай янгича қарашлар маълум бир кучлар учун мафкуравий стратегияни ўйлаб амалга оширилган эди. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари, газета ва журналларда ҳам халқнинг ҳаётидаги қийинчиликлар ошқора ҳолда ёритиб ўтила бошланди. Масалан, “Дўстлик байроғи” [6] газетасининг 1990-1991 йиллардаги бир қанча сонларида чайқов бозорини авж олиб кетишига барҳам бериш аҳолига озиқ-овқат, нон нархини арзонлаштириш, шунингдек, тарқатилиш вақти ва ҳудудлардаги чайқов, олиб сотарлик ҳолатларини кенгайиб бораётганлиги норозилик ҳолатларга барҳам бериш масалаларига қаратилган қарор ва фармонлар келтириб ўтилади. Ўша йилларда жамиятдаги норозичиликларни юзага келишида, албатта аҳоли ижтимоий турмуш шароитларини давлат сиёсати даражасида фаровон яратилмаганлиги ва бу соҳани эътибордан четда қолиши ҳудудлардаги норозичиликларга сабаб бўлганлигига дуч келамиз.

“Агар 60-йиллар бошида Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан СССРда 9-ўринни эгаллади. Иқтисодий ва ишлаб чиқариш имконияти нуқтаи назаридан Ўзбекистон иттифокдош республикалар орасида учинчи ўринда бўлса-да, аҳолининг турмуш даражаси бўйича 14-ўринда эди” [7].

Агар ўша йиллардаги ижтимоий иқтисодий масалалар турмуш шароитини оғир ҳолатларига эътибор берадиган бўлсак нархнаво, озиқ-овқат, кийим кечак, маҳсулотларини етишмовчилиги ёки бўлмаса ўз вақтида ўзаро тузилган шартномаларга мувофиқ етказиб берилмаслиги иттифокдош республикалар ўртасидаги ўзаро узилишлар кенгайиб бораётганлиги даврий матбуотда ёритиб ўтилади. Масалан, “Ўзбекистон бугдой билан ўз халқини 30 фоизгина таъминлай олади. Бу факт хусусида ҳам чуқур ўйламоқ зарур, “Навоихлеб” бирлашмаси эса республика хом ашёсисиз икки уч ойгина ишлай” [8] олиши иқтисодий ижтимоий масалаларга қаратилган саноат ҳўжалик муносабатларини йўлга қўйиш масалалари илгари сурилади.

Мана шундай вазиятда 1991 йил 24 октябрда “Иқтисодий ҳамжамият тўғрисида шартнома” [9]ни мустақил давлатлар ўртасида имзоланиши иқтисодий ҳамкорликдаги дастлабки қадамлардан бири эди. Шунингдек, биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан 1991 йил 16 ноябрда “Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси турмуш даражасига мадад бериш чора тadbирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 1992 йил 1 январдан бошлаб халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан ва уй-жой коммунал тармоқлар ҳодимларининг иш ҳақини 40-50 фоиз оширилиши, шунингдек, олий ўқув юрти ва хунар-техника талабаларини стипендиялари ўрта ҳисобда 30 фоиз оширилиб овқатланиши учун қўшимча имтиёзлар берилиши ва ойлик иш ҳақи ва нафақаларининг энг кам миқдорини жорий этилиши мустақиллик йилларида мамлакатимиз томонидан амалга оширилган дастлабки ижтимоий ҳимоянинг қонуний ҳужжатларидан бири эди. Ҳеч кимга сир эмаски бу даврда аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш ҳудудлардаги саноат корхоналарининг ўзаро ҳамкорликлари орқали мустақилликкача ва ундан кейинги 1991-1993 йилларда рубль зонасида бартер усулида вилоят 15 та республикадан 13 таси билан товар айрибошлашдаги ҳамкорликлари амалга оширилган. Мана шундай вазиятда мамлакатда

бутуниттифок референдумини ўтказишга қарор қилиниши орқали ижтимоий-сиёсий турмушни ўзгартириш масалалари аҳоли ўртасида ҳам тарғиб этила бошланди. Натижада баъзи бир ҳудудларда аҳоли турмуш шароитининг микдорий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш стратегик концепциялари илгари сурилди. Чунки ҳар бир мамлакат қандай сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларни амалиётга жорий этишидан қатъий назар бош мақсад аҳоли манфаатлари унинг турмуш даражасини яхшилаш фаровон ҳаётнинг стратегик концепцияси ҳисобланади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши ҳудуддаги саноат корхоналарини бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг миллий хусусиятларига давлат томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар ҳамда аҳолининг уларга нисбатан дунёқарашларига боғлиқ бўлади. Лекин, бу йилларда вилоятнинг барча саноат шаҳарларида аҳолининг кундалик турмуши учун узоқ муддатли фойдаланадиган буюмлар билан таъминланишида айрим яъни уй телефонлари, автомобилларини ҳисоблаб санаб ўтиш мумкин. Қолган

ахборот узатувчи ва қабул қилувчи, маиший техника жихозлари энди кириб келаётган эди.

Шу билан биргаликда коммунистик мафкуранинг бундан буён мамлакатнинг турмуш фаровонлигини енгиллатишига ёрдам бера олмаслиги бозор иқтисодиётга асосланган тамойилларни ишлаб чиқиш иқтисодий демократиянинг аҳоли фаровонлиги учун янгича миллий ғоя ва мафкура кераклиги халқ фаровонлиги учун зарур стратегик концепциядир.

Мустақиллик йилларида вилоят иқтисодиётининг ҳудудий тузилмаларини такомиллаштириб борилиши иттифокдош республикалар билан ҳамкорлик масалалари ҳудуд аҳолисининг дунёқарашда бир неча бор илгари сурилади. Сабаби 1991 йил 17 мартда Ўзбекистон ССРда бўлиб ўтган Референдумда қатнашган аҳолимиз мустақил эркин давлатнинг фуқароси бўлиши ва тенг имкониятларга эга бўлган янгиланаётган давлат қуриш учун 93 фоизи Ўзбекистоннинг суверен Республика сифатида ривожланишини ёқлаб овоз бериши уларнинг эркинлик, ҳурлик учун сиёсий ҳаракатларидаги дастлабки қадамларидан бири эди.

Адабиётлар

1. Рафиқов Қ. Кучли ижтимоий сиёсатнинг Ўзбекистонга хос тажрибаси. / "Халқ сўзи". 2018 йил 14-апрел. № 74, (7002).
2. Каримов И.А. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида". -Т.: "Ўзбекистон", 2011, 47-49-б.
3. Навоий вилояти ҳокимлиги архиви. 100-фонд, қайд рақами 24-рўйхат, 1-иш, 19-б.
4. Навоий вилояти ҳокимлиги архиви. 100-фонд, қайд рақами 24-рўйхат, 1-иш, 22-б.
5. Иноятлов С., Ражабов Қ., Ибрагимов Х. Навоий саҳро бағридаги мўжиза- шаҳар.-Тошкент: "Ўзбекистон", 2008. 62-б.
6. / "Дўстлик байроғи" 1991 йил 3 октябрь № 12, 1-б.
7. Зайнутдинов Ш. Некоторые теоретические вопросы экономических реформ // "Общественные науки в Узбекистане", 1997. №5. -С.5.
8. / "Дўстлик байроғи" 1991 йил 16 март №-33 (1825), 2-б.
9. Абдуллаев Р.М., Рахимов М.А., Ражабов Қ.К. Ўзбекистон тарихи (иккинчи китоб). -Т.: "Ўзбекистон". 2019, 461-б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда, жумладан Навоий вилоятидаги иқтисодий, ижтимоий, маиший турмуш шароитидаги масалалар, вилоятнинг ижтимоий аҳоли, озиқ-овқат маҳсулотларини қимматлашуви ва саноат маҳсулотлари билан таъминланишидаги камчиликлар ва ўзгаришлар, олиб-сотарлик, чайковчилик, халқнинг ижтимоий турмушидаги янгиланишлар ва бу масалаларни олдини олишга қаратилган қарашлар илгари сурилган. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий концепциялар ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье в годы независимости рассмотрены вопросы экономического, социально-бытового положения в Навоийской области, социального положения региона, недостатков и изменений в снабжении продовольственными и промышленными товарами, спекуляции, обновлений в общественной жизни. Выдвинуты мнения людей и взгляды, направленные на предотвращение этих проблем. Также освещены экономические концепции в условиях рыночной экономики.

SUMMARY. In this article, in the years of independence, the issues of economic, social and household conditions in Navoi region, the social situation of the region, shortcomings and changes in the supply of food products and industrial products, speculation, updates in the social life of the people and views aimed at preventing these issues have been put forward. Also, economic concepts are covered in the conditions of the market economy.

TOG'LI HUDUDLARDA TURIZM VA REKREATSIYA XO'JALIGINI RIVOJLANTIRISHNING BA'ZI MASALALARI

T.J.Jumaev – *geografiya fanlari doktori professor*
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Sh.B.Qurbonov – *dotsent*

E.D.Xamdamiyov – *1-bosqich tayanch doktorant*
O'zbekiston milliy universiteti

Tayanch so'zlar: turizm, rekreatsiya, tog' turizmi, tog'li hududlar, tog' tabiati, tog' ma'muriy tumanlari, tog' xo'jaligi, barqaror rivojlanish, tog'li hududlar iqtisodiyoti.

Ключевые слова: туризм, рекреация, горный туризм, горные территории, горная природа, горные административные районы, устойчивое развитие, экономика горных регионов.

Key words: tourism, recreation, mountain tourism, mountain territories, mountain nature, mountain administrative regions, sustainable development, economy of mountain regions.

Kirish. Jahonda turizm va rekreatsiyani rivojlantirish imkoniyatlari va muammolari, uning hududiy tashkil etilishi masalalariga ustuvor ahamiyat berilmoqda. Bunda hududlarning turistik va rekreatsion resurslarini baholash, iqtisodiyotning boshqa yo'nalishlari bilan uyg'unlikda rivojlantirish imkoniyatlarini asoslash, turistlar va dam oluvchilarni jalb qilish uchun kerak bo'lgan infratuzilma komplekslarini loyihalashtirish, aholining turistik sayohatlarga bo'lgan istiqbol talablarini o'rganish va prognozlashtirish, turizm va rekreatsiyaning hududlar iqtisodiyotida tutgan o'rini tahlil qilishga katta e'tibor qaratilmoqda.

Respublikamizda turizm va rekreatsiya imkoniyatlaridan samarali foydalanish bo'yicha bir qator

chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda va ijobiy natijalarga erishilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 9 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasida ichki va ziyorat turizmini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6165-son Farmoni bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasida turistlar oqimini shakllantirish va ular uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish chora-tadbirlari dasturi"da "Ichki turizm yo'nalishida faoliyat yurituvchi turoperatorlar bilan hamkorlikda respublikaning barcha hududlari qamrab olingan arzon narhlardagi ichki turizm mahsulot (turpaket) larini ishlab chiqish hamda ularni joylarda keng targ'ib qilish" yuzasidan muhim vazifalar belgilab berilgan [1]. Bu borada, jumladan, O'zbekistonda hududlardagi turizm, shuningdek rekreatsiya